



“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ”
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ



“PROBLEMS OF FISHERMEN DEVELOPMENT IN
UZBEKISTAN AND PROSPECTS” INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE



Бухоро – 2021 йил

“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил, 9-10 июль

Бухоро - 2021

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов. Ўзбекистонда балиқчиликни ривожлантириш истиқболлари.....	3
Артикова Х.Т., Пардаев Ш.С. Бухоро вилоят сув хавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омиллари	4

**1-ШЎББА. БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПЛАНЫ РАЗВИТИЯ РЫБОВОДСТВА
PERSPECTIVE PLANS FOR THE DEVELOPMENT OF FISHERIES**

Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т., Жалолов Э.Б. Яшил сувўтларини балиқчиликда қўллашнинг истиқболлари.....	7
Тожибоев Ш. Ж., Шералиев А. Бактерии, используемые в рыбоводстве для повышения качества и роста продуктивности	9
Allashukurov Sh.R., Xajiyev R.K., Do'sov X.J., Bekdurdiyeva Sh.Sh. Xorazm baliq MCHJ klasterida zo'g'ora baliq ko'paytirishning zamonaviy usullari.....	12
Усмонова Д.Б., Раупова М.Х., Давронова Ш.Б. Бухоро вилоятидаги “Зикри”, “Хадича” ва “Девхона” қўлларининг гидрокимёвий ҳолати ва қиёсий таҳлили	15
Матчанов О.Ж. Мамлакатимизда балиқчилик тармоғининг тарақиёт йўли ва иқлим ўзгариши шароитида ривожланиш истиқболлари.....	18
Холмуратова Т.Н., Гаффоров Ю.Ш. Балиқчиликда юксак сув ўсимликларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.....	21
Шайимкулова М.А., Алимжанова Х.А. Альгофлора реки Сох.....	23
Юлдашева Малика Бердияровна. Воздействие микропластика на пресноводную ихтиофауну	25
Кўзиев К.Ж., Махмудов М.Ф., Усмонов С.О., Пардаев Ш.С., Юлдашов Л.Т. Бухоро вилоятининг сув муаммолари.....	26

**2-ШЎББА. ЎЗБЕКИСТОН БАЛИҚЧИЛИК СУВ ХАВЗАЛАРИНИНГ ИХТИОЛОГИК,
ГИДРОБИОЛОГИК, ГИДРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ
ИХТИОЛОГИЧЕСКОЕ, ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКОЕ, ГИДРОХИМИЧЕСКОЕ
СОСТОЯНИЕ РЫБООХОЗЯЙСТВЕННЫХ ВОДОЕМОВ УЗБЕКИСТАНА
ICHTHYOLOGICAL, HYDROBIOLOGICAL, HYDROCHEMICAL CONDITION OF
FISHERY WATER BASINS OF UZBEKISTAN**

Raxmanova A. X., Jumanazarova N. R., Jumaniyozova T. M. Xorazm viloyati baliqchilik hovuzlaridagi zooplankton va ularning baliqlar oziqlanishidagi ahamiyati	29
Ummatova M.E., Kanatbayeva T.S., Arinova N.A. Baliqlarning biotik omillarga munosabati	32
С.Б. Бўриев, Ф.Қ. Шодмонов, Г.А. Окилова. Денгизқўл сув хавзасига қуйиладиган коллектор ва каналларнинг гидрокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда микроскопик сувўтларини кўпайтириш истиқболлари.	34
Raxmanova A. X., Jumaniyozova T. M., Jumanazarova N. R. Xorazm viloyati baliqchilik suv havzalari tuproqlaridan laboratoriya sharoitida dafniasimonlarni effipiylardan chiqishini aniqlash.....	37
Мирабдуллаев И.М., Иззатуллаев З., Уразова Р.С., Содиков А. Зарафшон дарёси basseindagi қисқичбақалар.....	40
Tajiyev Z.R., Rajarova M.Q., Sabirova M.Q., Babadjanova M.M. Xorazm viloyati shovot tumani tabiiy suv havzalari o'simliklarining tur tarkibi va ularning baliqchilidagi ahamiyati	43
Абдуллаева М.С., Кузметов А.Р., Атамуратова М.Ш. Зарипов Э.Туябўғиз сув омбори гидрологияси ва гидрокимёси.....	44
Rayimov A.R., Raxmonov R.R., Rustamova M.A. O'zbekiston respublikasi qizil kitobiga kiritilgan noyob baliqlarning bioekologik xususiyatlari.	46
Ельмуратова А. А., Алимжанова Х. А. Гидрология, гидрохимия и водноболотных растений междуречьянского водохранилища.....	49
Жумакулова Х.Х. Бухоро шаҳри «Мавлиён» зовур сувидаги фитопланктонларни аниқлаш	52
Ш.С.Пардаев, М.М.Тўраев, Э. Султонов, Б. Собиров, М. Юсупов. Зикри қўлининг гидрологик ва гидробиологик хусусиятлари тугрисида маълумот.....	53
Иззатуллаев З., Боймуратов Х., Суяров С., Жалилов Ф., Жабборова Т., Тўйназарова И. Зарафшон дарёси сув экосистемалари моллюскалари биологик хилма-хиллиги.....	55
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизқўл ташлама зовури ўрта окимининг гидрокимёвий таҳлили.....	58
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизқўл зовури юкори окими гидрокимёвий таҳлили.....	60
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизқўл зовури қуйи окими гидрокимёвий таҳлили.....	62

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

илмий-амалий семинарларни ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган.

Агрономия ва биотехнология факультетида Биотехнология ва ихтиология илмий лаборатория ташкил қилинган бўлиб, профессор Бўриев Сулаймон Бўриевич бошчилигида биология кафедраси мутахассис профессор-ўқитувчилари ва таянч докторантлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари айнан бугунги анжуманининг мақсад ва вазифаларни очиқ беради. Жумладан: хлорелла, азолла, ряска, артемия дафния каби организмлар ўстирилиб, балиқчилик хўжаликларидида балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўлланиб келинмоқда.

А.М. Қобилов, Э.Б. Жалолов ва З.Ф. Хаджаевалар тубан-юксак сув ўтларини кўпайтириш ва балиқчиликда қўллаш, Л.Т. Юлдошов чикинди оқава сувларни сувўтлари билан тозалаш биотехнологияси, Н.А. Шамсиев ва Ф.Қ. Шодмоновлар қўллар ихтиофаунасини ўрганиш, Х.М.Тошов, Ш.Р. Шаропова, Ж.Р. Райимовлар Бухоро вилояти сувликлари гидробиологияси юзасидан илмий ишларни бажариб келмоқдалар.

**БУХОРО ВИЛОЯТ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА БАЛИҚ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛЛАРИ**

Артикова Ҳ.Т., Пардаев Ш.С.

Бухоро давлат университети

***Аннотация.** Бу мақолада Бухоро вилоятининг сувий ва табиий сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини ошириш, балиқ оилаш ва сув ҳавзаларини балиқлаштириш меъёрлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.*

***Аннотация.** В данной статье приведены данные о повышении продуктивности рыбы в искусственных и естественных водоемах Бухарской области, о нормах лова и зарыбление в водоемах Бухарской области.*

***Abstract.** This article provides information on increasing the productivity of fish in artificial and natural reservoirs of the Bukhara region, on fishing standards and stocking in the reservoirs of the Bukhara region..*

***Kalit so'zlari:** Гидрология, гидрохимия гидробиология интенсив Амударё Орол денгизи*

***Ключевые слова:** Гидрология, гидрохимия гидробиология интенсивное Аральское море Амударьи,*

***Key words:** Hydrology, hydrochemistry hydrobiology intensive Aral Sea of the Amu Darya*

Бухоро вилояти барча эхтиёжлари саноатда кишлоқ хўжалик экинларини сугориш учун 99 % умумий фойдаланилган сув Амударёдан кучли насос станциялари орқали 3 босқичда 120 метрга кўтарилиб, 300 км масофада каналлар орқали оқизилади. Қолган 1% сув Зарафшон дарёсидан олинади. Умумий фойдаланилган сув ҳар йили ўртача 3,8-4 млрд м³ ни ташкил қилади. Бухоро вилоятида Амударё трансчегаравий сувидан фойдаланишда уни оқилона сарфлаш, сугориш режимида каттик риюя қилиш чоралари кўрилоқда. Чунки, Амударё оқайтган Орол денгизи фожеаси Марказий Осиёнинг муаммосигина эмас, умумбашарий муаммо эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Орол мисоли табиатга нисбатан зўравонларча муносабатда бўлиши оқибати ифодаланар экан, айни пайтда бугун сув ресурсларидан фойдаланишга мураккаб муаммоларга чуқур мулоҳаза юритмай, юзаки ёндашиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Маълумки, Бухоро вилоятининг ҳудуди чуқурликда жойлашганлиги учун кўшни Қашқадарё Навоий, Самарқанд вилоятларининг сизот ва оқава сувлари вилоят ҳудудига ҳар йили 1,8-2 млрд м³миқдоридида оқиб келиб, “Оёқоғитма”, “Зикри”, “Девхона”, “Хадича”, “Тузкон”, “Қорақир”, “Замонбобо”, “Қумсултон” каби табиий қўллар пайдо бўлди.

Бу сувликларнинг умумий майдони 100 минг га дан ортиқ бўлиб, ушбу қўллар 14 та конторларга бўлиниб масъулияти чекланган жамиятлари томонидан балиқ овлаш ва балиқ маҳсулдорлигини ошириш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Статистик маълумотларга кўра юкорида қайд қилинган табиий қўлларда 2020 йил давомида 3425 тонна 2021 йилда эса 3361 тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилиб халқ истеомолига етказиб берилган. Бу кўрсаткич талаб даражасига жавоб бермайди. Бундан ташқари вилоят ҳудудидида 300 дан ортиқ кичик сув ховузларида (хусусий секторларда) балиқ маҳсулотлари етиштирилиб халқ истеомолига берилмоқда, аммо бу кўрсаткич статистик ҳисоботларга киритилмаган.

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Жадвал-1

**Бухоро вилоят сув хавзаларида 2020-2021 йилларда овланган
ва режалаштирилган балик маҳсулотлари**

№	Туманлар	Жами сувлик майдони, га	2020 йилда овланган балик, тн	Табийий сув хавзалар, тн	Сунъий сув хавзалар, тн	2021 йилда овланган балик, тн	Табийий сув хавзалар, тн	Сунъий сув хавзалар, тн
1	Бухоро	244	208	0	208	445	0	445
2	Вобкент	130	414	0	414	454	0	454
3	Жондор	95	297	0	297	333	0	333
4	Когон	304	718	0	718	1047	0	1047
5	Олот	3366	1062	377	685	1355	392	963
6	Пешкў	14421	831,4	801	30,4	852	820	32
7	Ромитан	53	170,9	0	170,9	178	0	178
8	Шофиркон	8236	1534	960	555	1738	960	778
9	Қоракўл	3895	743	457	282	734	418	317
10	Қоровулбозор	6668	759	574	185	778	545	233
11	Ғиждувон	2225,1	528,7	256	270	581	226	326
12	Бухоро шаҳри	7,6	24,8	0	24,8	26,5	0	26,5
Вилоят бўйича жами		39645	7291	3425	3840,1	8522	3361	5133

Жадвал-2

Бухоро вилоят табиий сув хавзаларини баликлаштириш кўрсаткичлари

№	Табиий сув хавзалари номи	Балик турлари	2019 йил		2020 йил		2021 йил	
			Чавоқчалар сони	Микдори, кг	Чавоқчалар сони	микдори, кг	Чавоқчалар сони	микдори, кг
1	Қорақир	ок амур	65000	5000	50000	6104	400000	1
		Дўнгпешона	95000		82000			
		сазан, карп	65000		150000			
2	Зикри	ойнасимон карп	5000	4400	0	2700	50000	2
		ок амур	36000		135000			
		Дўнгпешона	24000		0			
3	Замонбобо	ок амур	0	1200	100000	8100	245000	3
		сазан, карп	17000		50000			
4	Шўркўл сув омбори	ок амур	5625	2700	0	5600	0	4
		Дўнгпешона	7500		140000			
		сазан, карп	7500		0			
5	Девхона	ойнасимон карп	35100	8825	0	8400	395000	5
		ок амур	105500		420000			
		Дўнгпешона	15000		0			
		сазан, карп	197400		0			
6	Ҳадича	ок амур	0	0	221000	4420	280000	6
		ок дўнгпешона	0		0			
		сазан, карп	0		0			
Жами:			680625	22125	1348000	35324	1370000	21

Республикаимиз ҳудудида балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида 2017 йилда ПҚ 3929- сонли (“Балиқчилик тармоғини тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йилдаги ПҚ 3657-сонли, 2020 йилдаги ПҚ 4816-сонли) қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик соҳасини ривожлантириш, ҳар бир сув хавзаларидан

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

унумли фойдаланиш, интенсив балиқ ўстириш тизимига ўтилди. Ушбу қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида табиий сув ҳавзаларини сифатли балиқ човоқчалари билан балиқлантириш ишларига киришилди.

2019 йил давомида Қарақир, Зикри, Замонбобо, Шўркўл, Девхона, Хадича табиий кўлларига Оқ амур, Оқ дўнгпешона, Сазан, Карп каби саноатбоб балиқ човоқчаларидан 680 625 дона умумий миқдори 22 100 кг балиқ човоқчалари қўйиб юборитди. Бу кўрсаткич 2020 йилда 1 348 000 дона умумий миқдори 35 300 кг балиқ човоқчаларини ташкил қилди. 2021 йилда табиий кўлларга қўйиб юборилган балиқ човоқчалари сони 1 370 000 дона балиқлаш режалаштирилган

Табиий кўллардан саноатбоб балиқ маҳсулотларини овлаш регламентига риоя қилиш, кўлларнинг гидрологик, гидрохимёвий ва гидробиологик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, олимларнинг тавсияларига мувофиқ ҳар бир гектар сув майдонига 50 дона 40-50 грам балиқ човоқчаси билан балиқлаш мақсадга мувофиқдир.